

# ШАРТНОМА № 22

(сиқилган газ сотиш учун)

«22» январь 2021 й.

Самарканд ш.

Бизлар, бир томондан **ООО «Диёра»** директори **А. Бакаев**, кейинчалик «Сотувчи» деб номланади, иккинчи томондан \_\_\_\_\_ директори \_\_\_\_\_ кейинчалик «Харидор» деб номланади, амалдаги корхона Низомига асосан қуйидаги шартномани туздик:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» махсулотни сотиш мажбуриятини, «Харидор» эса сотиб олинган махсулот учун ўз вақтида пул тўловларини сотувчини ҳисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини олади.

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Жами I-йилга бериладиган махсулот миқдори	Шу жумладан йил чораклари бўйича			
				I	II	III	IV
1	Сиқилган газ	Куб.м	384	384			

1.2. Сотувчи махсулотни газ қуйиш шахобчаси орқали, харидорни махсус сиқилган газ махсулотлари билан ишлайдиган жихозланган автомашиналари орқали амалга оширади.

1.3. Харидорнинг автомашинасига қуйилган махсулот куни, махсулотни етказиш санаси ҳисобланади.

## 2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1. Табиий газ, ёкилғи, энергетик ресурслар тан нархи ўзгарганда ҳамда Ўзбекистон Республикасида ҳаракатда бўлган қонун ва қарорларга тегишли ўзгартиришлар киритилганда, шартномада махсулот учун кўрсатилган умумий нарх 998.400 сўм (ҚҚС билан) томонлар келушуви билан ўзгартирилади.

2.2. Махсулот учун тўлов олинган кундаги нарх билан амалга оширилади.

2.3. Махсулот харидорга таркатиш варақада қайд қилинган ҳолда берилади.

2.4. Махсулот учун харидор томонидан сотувчининг ҳисоб рақамига 100 фоиз пул олдиндан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Харидорнинг мажбуриятлари:

а) белгиланган тартибда автомашинага газ махсулотларини қуйиш учун махсус рухсатнома олиш.

б) газ баллонининг геометрик ҳажми ва техник ҳолати тўғрисида хайдовчининг йўл варақасига тегишли белги қўйиш.

в) автомашинанинг газ баллон ускунасини соз ҳолда сақлаш.

г) газ махсулотларидан фойдаланиш қоидаларига, техник хавфсизлиги масалаларига тўлиқ риоя қилиш.

3.2. Харидор газ махсулотлари билан ишлайдиган, қайта жихозланган автомашиналардан фойдаланиш давомида, техника хавфсизлиги ва автомашинани техник ҳолати учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.3. Сотувчининг мажбуриятлари:

а) автомашинадаги мавжуд ўлчов ускуналарини созлигини ва бу мосламалардан тўғри фойдаланиётганлиги назорат қилиш;

б) автомашина хайдовчисини газ махсулотларини ташиш учун гувоҳнома борлигини текшириш;

в) харидор томонидан шартнома шартларини бузиш ва техник хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ҳолати аниқланганда, махсулот беришни тўхтатиш;

3.4. Томонлар махсулот хажмининг ўртача кунлик нормасидан келиб чиққан ҳолда ойлик газ миқдорини бир маромда узатиш ва қабул қилиши шарт.

3.5. Харидор сотиб олган махсулотни истеъмол қилиш даврида хар бир юзага келган ўзгаришлар ҳақида чорак бошланишдан 15 кун олдин сотувчига ёзма равишда хабар қилиши шарт.

3.6. Сотувчи газ қуйиш шахобчаларида мавжуд бўлган ускуналарни навбатдаги таъмирлаш ишларини амалга оширишдан 3 кун олдин, умумий таъмирлаш ишларини бошлашдан 15 кун олдин, харидорга хабар қилиши шарт.

#### 4. МАХСУЛОТ (ГАЗ) ХИСОБИ

4.1. Харидорга берилган махсулот миқдори тарқатиш варақаси бўйича ҳисоб-китоб қилиб борилади.

4.2. Харидорга берилган махсулот миқдори давлат стандарти томонидан 13.01.95 йилда (рег.№418) тасдиқланган «АГТҚШ га юборилган газ хажмини ўлчаш ва унинг ҳисоб китоби бўйича қўлланма (РД Уз.51-034-94) асосида «Ўзбекнефтегаз» миллий компанияси томонидан 28.11.95 йилда тасдиқланган «АГТҚШда истеъмолчига тарқатилган газ хажмини аниқлаш жадвалига мувофиқ харидорнинг ўлчов асбоблари орқали аниқланади.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Харидор шартномада кўрсатилган-ҳажмдаги суюлтирилган газдан кўпроқ миқдорда олмоқчи бўлган тақдирда, томонлар ўртасида қўшимча шартнома тузилади.

5.2. Сотувчи шартномада кўрсатилган махсулот билан харидорни ўз вақтида таъминла олмаса, қуйидаги ҳолларда жавобгарликни ўз зиммасига ололмайди:

- а) электр тармоқларида содир бўлган авария ҳолларида;
- б) табиий офатлар (ёнғин, ер қимирлаш, сув тошқинлари) юз берган ҳолларда.
- в) электр тармоқларининг таъмирлаш учун тўхтатилганда.

5.4. Шартномада кўрсатилиб ўтилган мажбуриятларни бажарилиши бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича жавобгардирлар.

#### 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Томонлар шартномани имзолаган кундан бошлаб қонуний кучга кирилади ва 2022 йилнинг 31 декабргача амал қилади.

6.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, «Сотувчи» ва «Харидор»га тақдим этилади.

6.3. Шартномада кўрсатилмаган масалалар амалдаги қонунлар ва тегишли ҳужжатлар асосида ҳал қилинади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича юзага келган низолар амалдаги қонунчиликка асосан ҳал қилинади.

#### 7. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:

##### «СОТУВЧИ»

ООО «Диёра»  
г. Самарканд ул. Бедил, 40  
Расч.счет: 20208000604015068001  
СО НБ ВЭД РУЗ  
МФО 00278 ИНН 202999110  
ОКЭД 46510



А. Бакаев

##### «ХАРИДОР»

Респ. Маън. ва маън. маркази  
Самарканд вилояти бўлими  
Самарканд ш. Тўқсанбой  
майдони 1-уй МКК 202428306  
И/ХВ 100021860184017085500027001  
Маънавий банк ХККМ  
МФО 00011 Сам. вилоят. Бошқ.  
с/р 23402000300100001010 ИИН 201122919

Юрист. Мамедов